

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИДА MOODLE
МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ВА УШБУ
ТИЗИМНИ ҚЎЛЛАГАН ҲОЛДА ЎҚУВ ЖАРАЁНЛАРИНИ ОЛИБ БОРИШ**

Сафаров Ж.Э., Хамрокулов У.Ш.

Мақолада Тошкент давлат техника университетида Moodle тизимини дастурий ва техник жиҳатдан таъминлаш масалалари кўриб чиқилган. Шунингдек, тизимнинг ўқув жараёнидаги ахамияти, талабаларнинг мустақил таълим олиш шакллари сифатини оширишдаги рўли кўриб чиқилган.

**ВНЕДРЕНИЯ ДИСТАНЦИОННОГО ОБУЧЕНИЯ MOODLE В СИСТЕМУ
ОБРАЗОВАНИЯ ТАШКЕНТСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО
ТЕХНИЧЕСКОГО УНИВЕРСИТЕТА И ИСПОЛЬЗУЯ ЭТУ СИСТЕМУ
ПРОВОДИТЬ УЧЕБНЫЕ ПРОЦЕСС**

Сафаров Ж.Э., Хамрокулов У.Ш.

В статье рассмотрены вопросы по программного и технического обеспечения системы Moodle в Ташкентском государственном техническом университете. Кроме того, рассмотрены поддержание системы обучения, роль повышения качества самостоятельного обучения студентов.

Юртимиз Мустақилликка эришгандан сўнг, Олий таълим тизимида кенг ислохотлар олиб борилди. Бу ислохотлар натижасида таълим сифатини ошириш, кадрлар рақобатбардошлиги кескин равишда кўтарилишига эришилди. Шунингдек техника йўналишларида ўқитилидиган фанларнинг сифати яхшиланиб борди.

Техника йўналишидаги фанларнинг асосий вазифаси турли жараёнларни механизациялаш ҳамда автоматлаштириш метод ва воситларини яратишдир. Ўз хусусиятларига кўра, таълим олиш жараёнида маълумотлар билан бажариладиган ишларни автоматлаштириш бошқа жараёнларни автоматлаштиришдан тубдан

фарқ қилади. Бу синф масалалари билан ишлаш учун махсус қурилмалардан ҳамда дастурий маҳсулотлардан фойдаланилади. Маълумотларга автоматлашган ишлов беришга мўлжалланган махсус қурилмалар ҳисоблаш техникаси, махсус дастурий воситалар эса бошқарув тизимлари деб юритилади.

Айни шу мақсадда ахборот технологияларидан фойдаланиш, мутахассисларнинг умумий маълумоти ва касбий тайёргарлигининг сифатини ошириш учун жаҳон андозаларига жавоб берувчи ахборот технологияларини таълим жараёнига тадбиқ этиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридаги талабларни инобатга олган ҳолда таълим жараёнини ташкил этиш учун ахборот тизими талаб этилади. Бу ахборот тизими эса техник ва дастурий жиҳатдан давлат стандартлари талабларига жавоб бериши керак. Шундай тизим сифатида Ўзбекистон Олий таълим муассасаларида Moodle масофавий таълим тизими жорий этилган.

Moodle сўзи "Modular Object-Oriented Dynamic Learning Environment" матнидан келиб чиққан. Рус тилида эса "Мудл" ёки "Моодус" (Модульная объектно-ориентированная динамическая управляющая среда) деб аталади. Moodle - бу контент бошқарув тизими (Content Management System-CMS) остида ишлаб чиқилган бўлиб, масофавий таълимни ташкил этиш ва бошқаришга мўлжалланган дастурий воситадир. Бундай дастурий таъминотлар e-learning тизимлар кўп ҳолларда эса ўқитишнинг бошқарув тизимлари (Learning Management Systems-LMS) ёки виртуаль таълим воситалари (Virtual Learning Environments-VLE) деб ҳам аталади.

Moodle – индивидуал онлайн-курсларни ишлаб чиқиш учун инструментал мухит ва таълим веб сайтидир.

Ҳозирги кунда Moodle тизимидан дунёнинг кўплаб таниқли университетларида самарали фойдаланиб келинмоқда. Бугунги кунда Moodle масофавий таълим тизимидан дунёнинг 200 дан ортиқ давлатларида 2000000 дан ортиқ фойдаланувчилар рўйхатдан ўтган, 700 дан ортиқ тилларда 46000 дан ортиқ ўқув порталлари яратилган. Moodle дастурий таъминоти GPL

(<http://www.gnu.org/copyleft/gpl.html>) лицензияси остида очик кодли манба сифатида тарқатилади (<http://www.opensource.org/>). Moodle дастурий таъминоти очик кодли бепул бўлиб <http://www.moodle.org> манзилида жойлашган. Moodle тизими PHPни қўллаб қувватловчи Unix, Linux, FreeBSD, Windows, Mac OS X, Netware каби тизимларда ишлайди. Киритилган маълумотлар MySQL ва PostgreSQL маълумотлар базасида сақланади.

Бугунги кунга келиб Тошкент давлат техника университетида ҳам Moodle - маъсофавий таълим тизими жорий этилмоқда. Бу тизим сервер компютерига Linux операцион тизими ўрнатилган бўлиб, бир вақтнинг ўзида 10000 фойдаланувчи сўровларига жавоб бериш имконияти яратилган. Тизим 3-тартибли moodle.tdtu.uz домени остида 84.54.96.87 IP манзили орқали мурожаатни амалга оширади. Тизимга сўровлар локал тармоқ орқали 1024 мб/с, интернет тармоғи орқали 50 мб/с тезликда юборилади.

Тизимда бугунги кунга келиб 10000 дан ортиқ талаба ва 1200 дан ортиқ профессор-ўқитувчиларнинг шахсий кабинети шакллантирилган. Яратилган курслар сони эса 850 тани ташкил этади.

Тизмдан Университетда тўлиқ фойдаланиш натижасида қуйидаги кўрсаткичлар бўйича самарадорлик кутилмоқда:

- профессор-ўқитувчиларнинг марказлашган ўқув методик комплекслар базасини яратиш;
- профессор-ўқитувчи ва талаба ўртасида доимий мулоқотни ташкил этиш;
- мустақил таълимни самарали ташкил этиш;
- рейтинг баҳолаш жараёнида шаффофликни таъминлаш;
- иқтисодий жиҳатдан самарадорликка эришиш (1 семестр давомида 2,5 млн дона А4 қоғоз ва 5 кг тонер иқтисод қилинади).

Демак Moodle тизимини ўқув жараёнини ташкил этишда қўллаш талабаларнинг мустақил таълим олиш сифатини, ахборот технологияларидан фойдаланиш самарадорлигини, иқтисодий самарадорликнинг ошиши каби кўрсаткичларга таъсир кўрсатар экан.